



Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

8  
(753)-son

23-fevral

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



## Йил сарҳисоби, устувор вазифалар

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида 2006 йил якунларига бағишланган Агентлик ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда алоқа ва ахборотлаштириш тизими акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, Агентлик ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этишди. Мажлис видео-селектор орқали вилоятларга узатилди. Радиоселектор орқали туман алоқа корхоналари бошлиқларининг мажлисидаги иштироки таъминланди. Илғишлини Агентлик Бош директори А.Арипов бошқарди ва "2006 йилда алоқа соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" маъруза қилди. Маърузада алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналар 2006 йилни илҳомий натижалар билан якунлагани қайд этилди.

■ Утган йили соҳа корхоналари томонидан 584,1 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Бу 2005 йилга нисбатан — 43,1 фоиз кўп деганидир.

■ Шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 306,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 63 фоизга етди.

■ Алоқа ва ахборотлаштириш

агентлиги тизимидаги корхоналар томонидан 249,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди, жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 81,0 млрд. сўмни ёки режанинг 108,0 фоизга кўпайишини таъминлади. ■ Экспорт ҳажми 28,6 миллион, импорт эса 43,2 млн.АҚШ доллари-ни ташкил этди. ■ 2006 йилда Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар буйича 146,3 млрд. сўм инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилди.

2-БЕТ ➔

### Ушбу сонда:



Янги нашр  
Ахборот  
технологиялари

3-БЕТ ➔



Кибержиноятчилик:  
Таҳдид ва  
муаммолар

4-БЕТ ➔



Профессиональная  
подготовка  
программистов

6-БЕТ ➔



Финляндия  
почтаси

11-БЕТ ➔



Абдулла ҚАХҲОР

Хат

16-БЕТ ➔



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

## ● HAY'AT YIG'ILISHIDA

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўтган йил билан солиштирилганда кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми — шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 15 фоиз, ёзма хат-хабарлар ҳажми 3,5 фоиз, жўнатмалар 10 фоиз ўсди.

Ҳисобот даврида асосий телефонлар сони 58 мингтага ошди ва 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра 1792,4 минг донани ташкил этди. Урнатилган АТСларнинг ишлаш коэффициенти 89,2 фоизни ташкил қилди.

2006 йилда уяли алоқа аҳо-

лимини шакллантириш ва ривожлантириш Дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида "Миллий ахборот-қидирув тизими" пилот лойиҳаси амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг жамоа умумтаълим тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги "ZiyoNET" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ мамлакат мактаблари, академикли-

ларга бўлган талабни қондириш мақсадида хизматлар ва таклифлар тури кенгайтиб борапти.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг бошида дастурий махсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони 132тани ташкил этган.

Давлат патент идорасининг маълумотларига кўра, 2006 йилнинг 25 декабрга қадар жами 193та дастурий махсулот ва маълумотлар базалари рўйхатдан ўтказилган.

Почта алоқаси тармоқлари ва бўлимлари учун почта жўнатмаларининг ҳар хил турларини жўнатишда аниқ тарифацияни таъминлаш мақсадида умумий қиймати 184,5 млн. сўмлик 1048та

алмасув масканларига қўлда ишлатиладиган 20та металл детекторлар берилди.

"Тошкент почта" филиалининг 136та алоқа бўлими янги ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматларнинг янги турларини кўрсатиш учун компютерлаштирилди, улардан 110таси "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг билгини тизимига уланди.

Почта алоқаси объектларининг янги почта индекслари ишлаб чиқилиши, у Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буйруғи билан тасдиқланди ва 2006 йил 1 апрелдан амалга киритилди.

Акциядорлик-тижорат "Алоқа-банк"и пластик картчалари билан ишлаш учун почта алоқа бўлими-

✓ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.**

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мазкур қарорга мувофиқ, Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги жамғармаси тасвир этилди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ролини кучайтиришга бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ва унда 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламини янада кенгайтириш, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини вужудга келтириш буйича аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгилангани тасдиқланди. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ишларни изчил амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган қўллаб-қувватлаш нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг узини-ўзи бошқариш органларининг роли, айниқса, беқиёс экани қайд этилди.

✓ **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманда "Ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўрни", "Адиб ҳақида хотиралар", "Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик маҳорати" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

## Йил сарҳисоби, устувор вазифалар



нентларининг сони 2720,0 мингтага етди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра республика давлат бошқарув органларининг ўртача 96,7 фоизи ўз веб-саҳифаларига эга.

Сирдарё вилоятида электрон ҳукумат буйича пилот лойиҳасини амалга ошириш ишлари якунланди. Шунингдек, компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат статистик ҳисоботларини тақдим этишда электрон шакллари жорий қилиш буйича пилот лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларда электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат алмашинуви тизими жорий этилмоқда. Ахборотлаштириш жараёнини жонлантириш ва дастурий махсулот ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида республикамизда биринчи Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази давлат рўйхатидан ўтказилди. Ахборотни криптографик муҳофаза қилишнинг миллий стандартлари асосида Е-ХАТ-электрон хат алмасув тизими ишлаб чиқилган. 2006 йилнинг 26 декабрга қадар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги Электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан жами 93та ЭРИ калитига сертификат берилди.

2007 йил 1 январ ҳолатига кўра, маълумотлар узатиш, жумладан, Интернет тармоғига уланиш хизматини кўрсатувчи ҳўжалик юртувчи субъектлар сони 680та бўлиб, шундан 560таси жамоа пунктларидир. Жамоа пунктларининг умумий сони 634та (2005 йилда 344та)дан иборат. Интернетдан фойдаланувчилар сони 1,7 млн. нафарни ташкил қилди. Барча давлат бошқарув органлари Интернет тармоғига уланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Миллий ахборот-қидирув ти-

**Й**игилишда 2007 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар қуйидагилардан иборат:

- соҳани ривожлантиришга йўналтирилган ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш;  
- соҳанинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсишини таъминлаб, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш;

- миллий ахборот тизимини янада ривожлантириш;  
- хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қўлай шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокни изчил камайтириб бориш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

- 2007 йил буйича Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг вақтида бажарилишини таъминлаш ва ҳорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни кучайтириш;

- 2007 йилга белгиланган иқтисодий ва ҳажмий кўрсаткичлар ҳамда экспорт прогнозини тўлиқ бажариш;

- банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш;

- кўрсатилмаётган хизмат сифатини ошириш, мижозлар ва шикоятлар билан ишлаш, меъорий талабларни бажариш, телекоммуникация ва почта корхоналарида технологик жараёнлар талабларининг бажарилишини таъминлаш;

- аҳолига кўрсатилмаётган алоқа хизматлари турларини кўпайтириш, қишлоқ жойлардаги почта бўлимларининг ёпилишига йўл қўймастик;

- иш ҳақи миқдори ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни, пенсия маблағларини сақлашни ва ўз вақтида етказилишини таъминлаш, соҳада ижтимоий ҳимоя масалаларига эътиборни кучайтириш.

қейлари, коллежлари, олий ўқув юрталари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни "ZiyoNET" тармоғига улаш буйича танлов ҳужжатлари ишлаб-чиқилди ва танлов эълон қилинди. Танлов натижасида "ZiyoNET" тармоғига улаш буйича провайдерлар аниқланди.

**М**амлакатимизда кейинги пайтда дастурий махсулотлар бозорининг ривожланиши кузатилмоқда, дастурий махсулот-

ларида 67та иш ўрни ташкил қилиниб, терминаллар ўрнатилди.

Соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари тасдиқланган дастурга асосан олиб борилляпти. 2006 йил давомида жами 3540 нафар мутахассис малака оширди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида соҳада бир қатор тадбирлар бажарилди ва ушбу йўналишга жами 733,2 млн. сўм сарфланди.

**Й**ил давомида эса Агентлик ва Агентлик тизимидаги корхоналар томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдами харажатлари 1824,5 млн. сўми ташкил этди.

Март-апрелда ўтган йилда йўл қўйилган камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. 2006 йил давомида жўнатма пул ва пенсия маблағларини ўзлаштириш буйича 43та салбий ҳолат аниқланган. Айбдорлардан ўзлаштирилган маблағларнинг 131,7 млн. сўми ундирилди ва уларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Жумладан, 39 нафар ҳоким билан меҳнат шартномаси бекор қилинди, 13 ходим лавозимидан бўшатиildi, 45 ходимга нисбатан интисомий ҳазо кўрилди.

Кўрсатилмаётган хизматлар сифати буйича корхоналарга 10506та мурожаат қилинган. Мурожаатларнинг 9351таси шикоят тариқасида бўлиб, бу 2005 йилга нисбатан 18,2 фоизга камайган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиалларидаги мавжуд 2980та почта алоқа бўлимининг буғунги кунда 2925таси (98,2 фоизи) телефонлаштирилган.

Айни пайтда, республикамиздаги 1781та мини-банкдан 93,2 фоизи телефон алоқаси ва 95,1 фоизи модем алоқаси билан таъминланган, 9750та умумтаълим мактабининг 55,4 фоизи, 882та касб-ҳунар коллежининг 98,5 фоизи, 952та касалхонанинг 95 фоизи, 1109та поликлиниканинг 97,2 фоизи, 3010та қишлоқ врачлик пунктидан 1550таси (52 фоизи), 6423та болалар богчасининг 50,1 фоизи, академик лицейлар ва меҳрибонлик уйлариинг 100 фоизи телефонлаштирилди.

Муҳокамаларда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Обид-хўжаев, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматов, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори А.Абдумуҳинов, "East Telecom" қўшма корхонаси бош директори А.Маҳмудов, "Коинот" ОАЖ бош директори С.Фахрудинов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржоновлар сўзга чиқиди.

Мажлисда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ДИРЕКТОРЛАР ЙИГИЛИШИ

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖда 2006 йил якунларига бағишланган директорлар йиғилиши ўтказилди.

Унда акциядорлик жамияти бўлим бошлиқлари ва филиаллар директорлари иштирок этишди. Йиғилишда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бош директори Р.Қосимов “2006 йили почта алоқаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” маъруза қилди. Маърузачи ўтган йили иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, почта хизмати сифатини ошириш ва филиалларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, у олинган муҳим вазифаларни бажариш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга доир масалаларга ҳам алоқада тўхталди.

Йиғилишда келгуси режалар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иззат АХМЕДОВ

Бу йил адабиётимизнинг забардаст намояндаси Абдулла Қаҳҳор ва болаларнинг бобо шоири Қуддус Муҳаммадий таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланади.

## ЮБИЛЕЙЛАР ОЛДИДАН

Ушбу юбилейларга бағишлаб Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона марказида турли туман тадбирлар, анжуманлар ўтказилади ва китобхоналар учун махсус услубий-библиографик қўлланмалар тақдим этилади. Жумладан, “Янгра шеърим, минг тилда”, “Уруш ҳақида ота-бола суҳбати”, “Бахтимиз кўеши”, “А.Қаҳҳор ижодини ўрганамиз”, “А.Қаҳҳор сабоқлари” мавзуларида давра суҳбатлари ва шеърят кечалари ҳамда “А.Қаҳҳор бадиий сўз устаси” услубий қўлланмаси ва ёзувчи ҳикоялари тўпламидан иборат китобнинг тақдими бўлиб ўтади.

Маҳбуба КУЛОВА,  
Ахборот-кутубхона марказининг  
услубият бўлими мудири

## TATU HAYOTIDAN

### ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент ахборот технологиялари университетида “Глобаллашув ва ахборот хуружи” мавзuida республика илмий-амалий семинари ўтказилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Юнусобод туман ҳокимлиги, Республика маънавият, тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, “Ижтимоий фикр” маркази, ТАТУ “Фалсафа” кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Илмий-амалий семинарни университет ректори С.Қосимов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Х.Ҳайдаров, Республика Миллий ғоя ва миллий мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қурунов, профессор О.Отамирзаев, Тошкент давлат маданият институти проректори, профессор М.Бекмуродов, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциациясининг ижрочи директори И.Абдуллаев ва бошқалар ахборот хуружи, глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари, диний экстремизм ва халқаро терроризм, талаба ёшларда мафкурарий иммунитетни ошириш каби мавзуларда сўз юритишди.

Тадбир якунида тилга олинган масалалар юзасидан муҳокамалар ўтказилиб, ўзаро фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Эзозахон КАРИМОВА,  
ТАТУ “Фалсафа” кафедраси мудири

## ANJUMAN

### АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг анжуманлар залида «Алоқа ва ахборотлаштириш муаммолари» масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон фанлар академияси ва Халқаро эконергия академияси аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Жўра Абдуллаев таваллудининг 80 йиллиги, меҳнат, илмий-педагогик фаолиятининг 60 йиллиги муносабати билан ташкил этилди.

Тадбирда атоқли олимнинг шоғирдлари, ҳамкасблари, дўстлари Ж.Абдуллаевнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти, унинг фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапиришди.

Шунингдек, анжуманда “Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш: ҳолати ва келажаги” мавзuida Агентликнинг Радиоалоқа, радиоошиштириш ва телевидение бўлими бошлиғи Ю.Қамолов, “Болоня тенденциялари нуктаи назаридан Россия Федерациясининг учинчи авлод таълим стандартларини ишлаб чиқиш истиқболлари ва тамойиллари” мавзuida Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н.Фомин ҳамда “Оптик кабелли телекоммуникация тизимларининг ишлаш барқарорлигини оширишнинг айрим муаммолари” мавзuida ФТММ директорининг биринчи ўринбосари Р.Исаевлар маъруза қилишди.

Конференцияда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари М.Сангилов қатнашди.

Ўз мухбиримиз

## YANGI NASHR

# Ахборот технологиялари

Ушбу номда БМТ Тараққиёт дастурининг “АКТ сўбсати” (ICTP) лойиҳаси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида ўзбек тилида янги ўқув қўлланмаси босмадан чиқди.

Китоб 12 бобдан иборат бўлиб, ахборот тизимлари, компютер тармоқлари ҳамда маълумотлар тузилиши сингари соҳаларга бағишланган. Асосан олий ўқув юрталари, коллеж ва лицейлар талаба-ёшларига мўлжалланган мазкур ўқув қўлланмасидан мустақил равишда билимини оширишни истовчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ҳозирча 1000 нусхада чоп этилган китоб Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари кутубхоналарига тарқатилади.



# Кизилқум кенгликларидида

Томди туман почта алоқаси тармоғи Навоий вилоятининг энг чекка ҳудудлари аҳолиси, корхона ва ташкилотларига хизмат кўрсатади.



Тармоқ марказдан узоқ чўл ичкарисидида жойлашган бўлса-да “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг вилоят филиали эътиборидан четда қолган эмас. Биргина ўтган йилда туманга электрон ўлчов асбоблари, велосипедлар ва бошқа зарурий техник ашёлар етказиб берилди. Бундай эътибордан руҳланган томдиллик почтачилар сифатли почта хизмати кўрсатиш учун энг шимариб ишга киришганлар.

А.АБИШОВА,  
меҳнат фахрийси

Алоқа ходимлари ўтган 2006 йилни муваффақиятли якунлашди. Олдинги йилга нисбатан даромад 67,7 фоизга ошди. Хизмат кўрсатиш сифати оширилиб, кўлами кенгаймоқда. Натижада хат-хабарлар етказиш, пул жўнатмаларини қабул қилиш ва тўлаш, обуна ишларини уюштириш, коммунал хизматлар ҳақини йиғиш, газета-журналлар ва товарлар сотишдан тушадиган тушумлار миқдори ўтган йил билан солиштирганда 50-60 фоизга ўсди. Пенсия тўловлари ўз вақтида амалга оширилмоқда, ҳар ойда мониторинг ўтказиб келиняпти.

— Почтачилик — машаққатли, лекин савобли ва шарафли иш, — дейди “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали Томди почта

алоқаси тармоғи бошлиғи Женибек Қалпанов. — Бу касб эгалари ўта маданиятли, босиқ, зийрак сەرғайрат, ҳалол ва талабчан бўлмоғи керак. Хат ташувчиларимиздан П.Ахметов, К.Сейдалиев, Д.Пошаева, З.Тажибоевалар, операторларимиздан Ж.Молдабекова, С.Туисбековалар чўл минтақасининг иссиғию, қаҳратон совуғига қарамасдан тинмай меҳнат қилишади.

Тумандаги ҳамма алоқа бўлимлари бинолари туман ҳокимлиги ёрдами билан тўлиқ почта тармоғи балансига олинган. Алоқа бўлимлари бошлиқларидан С.Содиқова, Г.Ёшмуратовалар сифатли хизмат кўрсатиб, ойлик режа-топшириқларни ортиғи билан бажариб келишмоқда.

## Алоқа оламида:

### ЭНГ СЎНГИ ЯНГИЛИК

“Касперский лабораторияси” ва Play Mobile компанияси томонидан мобил телефонларни вирусдан ҳимояловчи восита (“Анти-вирус Касперского Mobile”) ишлаб чиқилди.

Телефондаги вирусларни текшириш реал вақт тартибидида, шунингдек фойдаланувчи истаган пайтда амалга оширилади. Бунинг учун бир неча дақиқа сарфланади. Хотира картасини, папка ёки муайян файлни алоҳида текшириш учун топшириқ бериш мумкин. Зарарланган объект аниқланганда у карантинга қўйилади ёки олиб ташланади.

Барча кирувчи хабарлар — SMS, MMS ва электрон почта хабарлари фойдаланувчи иштирокисиз текширувдан ўтади. Шунингдек, Bluetooth ва бошқа алоқа каналлари орқали кирувчи уланишлар ҳам назоратдан четда қолмайди.



## XALQARO HAYOT

“ПОЧТА ТЕРРОРЧИСИ”  
ҚЎЛГА ОЛИНДИ

**БЮК БРИТАНИЯ** полицияси почта орқали бомба жўнатишда айбланаётган шахсни қўлга олди. Террорчиликда гумон қилинаётган 27 ёшли Майлз Купер бошланғич мактабда қорувул бўлиб ишлайди.



Айбланувчининг ҳамкасблари, танишлари ва қўшнилари унинг айбдорлигини кескин рад этishмоқда. Улар Майлзни ўта босиқ, уятчан ва журъатсиз киши сифатида билишларини айтишган. Шунга қарамастан, полиция қўлида етарлича далиллар борга ўхшайди. Маълум қилинишича, айбланувчи ўн кун давомида кузатувада бўлган, 19 феврал кuni уйда қўлга олинган ва сўроқ учун полиция маҳкамасига келтирилган. Ҳозирда ушбу иш юзасидан тергов давом этмоқда.

## БЕНЗИН ЎРНИГА

**ШУ ЙИЛНИНГ** апрел ойидан бошлаб Токио шаҳрининг турли йўналишлари бўйлаб қатновчи 64та автобус бензинда эмас, балки биологик ёнилғида ҳаракатланади.

Бу ёнилғи соя ёки палма ёғи, шунингдек ҳайвон ёки ўсимлик мойидан тайёрланади. Ушбу ёнилғининг яна бир афзаллиги — ундан атмосферага захарли газлар кам чиқади.

МОСКВАДА  
ПАРРАНДА ГРИППИ

**БЕЛОРУССИЯ** ва Украинада Москва вилоятидан парранда ва парранда гўштини келтириш тақиқлаб қўйилди. Москва оstonасида парранда гриппи қайд этилгани бундай қарор қабул қилишга сабаб бўлган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Россия пойтахти оstonасидаги етти райондан, шунингдек, Звенигород ва Раменской шаҳарларида паррандан гриппидан касалланган қўшлар топилганди.

ИРОҚДАГИ ҚЎШИН  
СОНИ  
КАМАЙТИРИЛАДИ

**БРИТАНИЯ ҲУКУМАТИ** Ироқдаги қўшнлари сонини камайтириш бўйича режа ишлаб чиқди. Мамакат бosh вазири Тони Блэр қўшнларнинг олиб чиқиш тартибини парламентдаги чиқишда ўқиб эшиттириш ниятида.

Ҳозирда Ироқдаги парранда гриппидан касалланган қўшлар сони 7 мингдан ошади. Улар Басра шаҳри худудини ўз назоратларига олишган. ВВС маълумотларига кўра, яқин ойлар ичида бир ярим минг аскар ўз уйларига қайтади.

“ОСКАР” КИМГА  
НАСИБ ҚИЛАДИ?

**АМЕРИКА** киноакадемиясининг 6000 аъзоси “Оскар” мукофоти номзодлари учун овоз бериб бўлишди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими яқинда кuni Холливуднинг Kodak Theatre саройида бўлиб ўтади. Бүкмекерлик ташкилотларининг маълум қилишича, “Йилнинг энг яхши филми” номинациясида ғолиб чиқишга Мартин Скорсезининг “Муртадар” (“Отступники”) картинаси асосий даъвогар бўлиб турибди. “Оскар” мукофоти, шунингдек, “Вавилон”, “Қиролича” ва “Иводзимадан мактуб” кинофилмлари лойиқ кўрилиши кутляпти.

“Энг яхши режиссёр” номинацияси ғолиблиги учун ҳам Мартин Скорсезе номзоди тилга олинган.



**XXI аср — ахборот технологиялари асри, дея аталаётгани бежиз эмас. Бугунги кунда компьютер технологиялари жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилмоқда ва бунинг эвазига турли соҳалар жадал ривожланыпти. Бу каби технологияларнинг таъсири инсонлар турмуш-тарзи, уларнинг ўқиши ва ишдаги фаолиятида ҳам яққол сезилмоқда.**

## КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК:

## ТАҲДИД ВА МУАММОЛАР

Ахборот технологияларининг жаҳон иқтисодиёти тараққиётидаги ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги урни тобора ошиб борапти. Бирок, жамият ҳаётининг маълум йўналишлари ривожланиши билан бундан турли йўллар орқали ўзининг молиявий аҳволини яхшилаб олиш ниятидаги кимсалар катта саҳнага чиқа бошлади. Бундай уриниш эса жиноятчиликнинг янги турларини “кашф” этади. Компьютер жиноятчилиги қисқа вақт ичида ўзининг “юқори чўққиси”га кўтарилиб олди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида компьютер техникасининг ривожланиши баробарида уларни халқ ҳўжалиги ва бошқарувга, фазовий тадқиқотлар, мудофаа, атом энергетикаси ва бошқа соҳаларга татбиқ этишга катта эътибор қаратилди. Эндиликда замонавий технологияларнинг бу даражада муҳим аҳамият касб этгани хавфсизлик жиҳатидан асосли хавотирларни келтириб чиқармоқда. Сабаби — уларнинг ишдан чиқиши турли ҳалокатларнинг юз беришига, катта иқтисодий зарар келтирилишига олиб келиши мумкин.

Компьютер жиноятчилигининг объекти — ахборотдир. Ҳозирда зарур ахборотга эга бўлиш — ҳокимиятга эга бўлиш дегани. Махфий ахборотларнинг ёвуз ниятли кимсалар қўлига тушиши хавфсизликнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам компьютер жиноятчилиги қарши курашиш бугуннинг долзарб муаммосига айланган. Бу борада қонунчилик базасини яратиб жаҳон ҳамжамияти олдида турган асосий масала ҳисобланади. Интернетнинг молиявий жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи Бернارد Опутейлнинг таъкидлашича, ҳозирда кибержиноятчиликнинг кенг тарқалишига имкон берувчи янгида янги Интернет технологиялари юзга

келмоқда. Йирик жиноятчилик гуруҳлари Глобал тармоқда ўз фаолиятларини йўлга қўйишга улгуришган. Улар ўзларининг жиний мақсадларини амалга ошириш учун сохта веб-сайтлар, электрон почтадан фойдаланишмоқда. Ўз навбатида, уларга қарши самарали курашиш учун янги қонунчилик базасини шакллантириш талаб этилади.

Маълумотларга кўра, компьютер жиноятчилигидан биргина АКШ иқтисодиёти йилига 67 миллиард доллар миқдоридан зарар кўраб экан. Интернетнинг асосчиларидан бири — Винт Серф Бутунжаҳон иқтисодиёт форумидаги чиқишида бугунги кунда 150 миллион шахсий компьютер кибержиноятчилар таъсири остида эканлигини маълум қилган. Бу — Интернетга уланган барча компьютерларнинг тўртдан бири демакдир. Экспертлар зомблаштирилган компьютерлар сонининг кўпайиши Интернет фаолиятига катта салбий таъсир кўрсатишидан хавотирланишмоқда. Кибержиноятчиларнинг бу даражада устунликка эришишида Windows амалиётлар тизимининг қароқчилик шакллари кенг тарқалиши сабаб қилиб кўрсатилляпти. Чунки бундай махсулотларнинг қарийб 50 фоизда троян дастурлари олдидан ўрнатилган бўларкан.

Ҳакерлар ҳужумларининг кўламини аниқлаш учун Мэриленд штати университет профессорси Майкл Купер сивнов ўтказди. У тўртта компютери Интернетга чиқиш имконига эга бўлган университет локал тармоғига улади ва атайин химоя даражасини пасайтирди. Бир неча кун давомида ҳисоблаш машиналаридан натижаларни олиб турди. “Ажабланарли, бироқ бу далил — бир кунда бизга 2200дан ортиқ ҳужум уюштирилди, — дея ўз натижаларини эълон қилди мутахассис. — Аксарият ҳакерлар махсус дастурлар ёрдамида

маълумотлар базасидан турли тилсиз (парол) ва фойдаланувчининг номини ўйирлашга ҳаракат қилган.”

Шу йилнинг феврал ойи бошларида Интернетга сўнгги йиллардаги энг катта ҳужум уюштирилди. Ҳакерлар Глобал тармоқнинг 13та асосий серверидан учтасини издан чиқаришга ҳаракат қилдилар. Натижада “.org”, “.info” ва бошқа зоналарда жойлашган миллионлаб сайтлар фаолияти хавф остида қолди. Ҳакерлар асосий DNS-серверларни катта ҳажмдаги мазмунсиз сўровлар жўнатиш орқали ишдан чиқаришга ҳаракат қилишди. Ҳужум тўхтовсиз равишда 12 соатдан ортиқ давом этди ва уларга қарши курашиш учун катта куч сарфланди.

Кибержиноятчиликнинг энг хавфли жиҳатларидан бири — икки давлат ўртасида низо чиқаришга ҳаракат қилишдир. Буни Арманистон ва Озарбайжон мисолида кўриш мумкин. Тоғли Қорабоғ худуди туфайли юзага келган келишмовчилик ҳакерлар назаридан четда қолмади. Ҳатто Интернетдаги кураш тарихий тус олишга ҳам улгурди, чунки бу қарийб ўн йилдан буён давом этаётган тўқнашув ҳисобланади. Кураш уч ҳафта илгари яна авжга чиқди. Арманистон махсус хизмати сифатида рўйхатдан ўтган ҳакерлар Озарбайжон телевидениеси сайтини бузиб, унда Арманистон герби ҳамда ҳукумат сайтларини издан чиқарган Озарбайжон ҳакери номига битилган ҳақоратли сўзларни жойлаш-

## Ҳакер бу:

— компьютерлар бўйича юқори малакали мутахассис;  
— муҳофаза қилинаётган ресурслардан рўхсатсиз фойдаланишни мақсад қилиб олган юқори малакали компьютер мутахассиси;  
— ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида турли ноқонуний ҳаракатларни амалга оширувчи шахс; турли тармоқлардан рўхсатсиз эркин фойдаланиш ва улардан ахборот олиш, дастурий махсулотларнинг муҳофазасини кўчириш, компютер вироқларини яратиб ҳамда тарқатиш ва ҳокazo.

**Троян** — маълумотларни рўхсатсиз йиғини, сохталаштириш ва йўқ қилишни мақсад қилган дастур. Унинг бир неча турлари мавжуд. Энг ашаддий турларидан бири компютерларни вирусдан халос қилишни тақлиф қилувчи дастурдир. Аслида эса, у компютерни вирус билан зарарлантиради.

“Троян” атамаси, Гомернинг “Илиада” достонидан олинган. Унда греклар жанг майдонидан троялик душманларига атаб ёғочдан ясалган жуда катта отни қолдиришди. Давлат рамази от ҳисобланган трояликлар ушбу “туҳфа”ни шаҳар ичига олиб кирдилар. Отнинг ичида эса грек жангчилари яширинган бўлади. Улар тунда шаҳар дарвозаларини очиб юбордилар. Бу ҳийла оқибатида бутун Троя шаҳри ер билан яқсон қилинади.

Лутфилло ТУСУНОВ

ORAMIZDAGI ODAMLAR



**Инсонлар борки, ўз умрларини фақат эзгу амаллар билан безайдилар. Ҳаётларини ўзлари меҳнат қилаётган соҳани ривожлантиришга бағишлайдилар. Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Иброҳим Бурҳонов ана шундай касбига меҳри баланд инсонлардан.**

# Умр мазмуни

1964 йили ўрта мактабни тугатган Иброҳимжон жамоа ҳўжалигига телефончи бўлиб ишга кирди. Касбга қизиқиши кучайиб, 1965 йили Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кириб, 1970 йилда уни «Кўп каналли электралоқа муҳандиси» мутахассислиги бўйича муваффақиятли тамомлади. Ҳарбий хизматдан сўнг соҳадаги фаолиятини давом эттирди. Шу вақтлар давомида Яккабоғ, Қамаш, Шаҳрисабз туманларидаги телефон станцияларини, жамоа ҳўжаликлар орасидаги 2,3 каналли аппаратураларни монтаж қилишга, шахарлараро линияларнинг носозликларини бартараф этишга катта ҳисса қўшди. Қамаш ва Яккабоғ туманига қарашли жамоа ҳўжаликлариди телефон станцияларининг қурилиб ишга туширилишида, Чироқчи, Яккабоғ, Китоб, Қамаш туманларидаги барча АТС, кўп каналли аппаратуралар ва боғловчи линиялардаги носозликларнинг олдини олиш, қишлоқ телефон станцияларининг сигимини оширишда, Шаҳрисабз алоқа тармоғида 1200 рақамли декадалли-одимловчи АТСни 2400 рақамга кенгайтиришда Иброҳим Бурҳоновнинг меҳнатлари салмоқли бўлди.

У 1978-1988 йиллари Китоб туман алоқа тармоғида бошлик бўлиб ишлади. Туманда 1981 йили тўрт қаватли Алоқа уйи қурилиб фойдаланишга топширилди. Ўз навбатида, мавжуд 400 рақамли АТСга сийғими 3000 рақамли АТС монтаж қилиниб, ишга туширилди. Қишлоқ телефон станцияларининг қуввати 600дан 2500 рақамга оширилди. Натижада даромаднинг ошишига ҳам қўлай имкон яратилди.

Иброҳим Бурҳонов 1988 йилдан буён Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Шу даврда шахарла-

раро телефон станциясининг қуввати 7000 рақамдан 9800га ошди. Қишлоқларда бу кўрсаткич 1200дан 2450 рақамга етди. Иккита 16 хонадонли тураржой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1996 йили буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан вилоят капитал қурилиш бошқармаси томонидан Шаҳрисабз шаҳрида 6-АТС биноси, Алоқа вазиригининг бевосита ёрдами билан Германиянинг 9800 сийғимга эга рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Бугун олис ва тоғли Гилон, Сарчашма, Сувтушар, Саёд, Ҳисорак каби қишлоқлар аҳолиси билан ҳам телефон орқали бемалол боғланиш мумкин. У ерда ҳам худди шахар марказидек дунёнинг исталган бурчаги билан боғланиш имконияти бўлган сўзлашув шахобчаси ишлаб турибди.

Инсон юраги — бир олам. Унинг ҳам баҳор ва кузлари, тонг ва тунлари, ором ҳамда ташвишлари бор. Иброҳим аканинг ота-боболари муқаддас динимизга эътиқоди баланд инсонлардан эди. Бир вақтлар миллий удум ва анъаналаримиз оёқ ости қилинган кезларда Иброҳим акага ҳам ола қўз билан қаралди. Бирок ўзининг ўрнини

аллақачон топиб улгурганлиги, алоқа соҳасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, эл назари ва эъозида бўлганлиги куруқ, асосиз гумонларни сароғба айлантирди.

Иброҳим ака Мингчинор сойлигида болалар оромгоҳи барпо этиш учун ҳам анча тер тўккан. Оромгоҳга ер ажратиш тўғрисидаги рухсатномани олиш осон кечмади. Аммо у ишнинг этагидан маҳкам тутиб, оромгоҳ қуришга киришди. Туманда янги ташкил этилган маҳаллий телевидение учун жой ажратиб, телестудияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Ходимлар ташвиши ва шодлигига шерик бўлди.

Олти нафар фарзанднинг отаси, беш нафар набиранинг меҳрибон бобожониси бўлган Иброҳим Бурҳонов самарали меҳнати учун 2003 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланган. Бахтини касби ортдан топган Иброҳим аканинг келгусидаги режалари ҳам бисёр.

Ўзининг табарруқ 60 ёшини қаршилаган Иброҳим акага «Доимо бошингиз омон бўлсин», деймиз.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
**«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятдаги мухбири**



**Муаллиф ҳақида:**

Афтондил ИСМОИЛОВ — 2007 йилдан «Хабар» газетасининг Қашқадарё вилоятдаги мухбири сифатида фаолият кўрсата бошлади. У билан 8-375-224-08-99 рақамли телефон орқали боғланишингиз мумкин.

## Эл эъозида

Ҳўжайиликларга сифатли алоқа хизмати кўрсатишда Айсултан Атақўзиев раҳбарлигидаги туман телекоммуникациялар боғламаси жамоасининг ҳиссаси катта бўлмоқда.



А.Атақўзиев 1974 йилдан 1976 йилга қадар Ҳўжайли алоқа тармоғида монтажчи бўлиб ишлагани билан алоқа соҳасига катта ҳисса қўшди. Унинг келажаги порлоқ эканлигини дастлаб туманлараро алоқа боғламасида раҳбар бўлиб ишлаган Аманқос ота Арунов сезган ва унга йўл-йўриқ кўрсатган эди.

Ҳайратли ёш йигит 1981 йили Тошкент электротехника алоқа институтини тугатиб қайтган, тумандаги алоқа корхонасида муҳандис сифатида иш бошлади. Унинг соҳа сирларини ўрганишида ўша пайтдаги бошлик Шойин Бадақбоевнинг хизматлари катта бўлди.

Туман телекоммуникациялар боғламасига раҳбар этиб тайинлангач, Айсултан Атақўзиев ишни алоқа бинолари, узатиш линиялари ва асбоб-ускуналарини тартибга солишдан бошлади.

Япониялик ҳамкорлар (NEC компанияси) кўмағида 1997-1999 йилларда Ҳўжайли-Нукус, Ҳўжайли-Қўнғирот йўналишларида оптик-толали кабел линиялари ўтказилиши, 3 ва 4-АТС, электрон АТС қурилиши аҳолининг телекоммуникация хизматларидан фойдаланиши учун қўлайликлар яратди.

Бугунги кунда туман аҳолисига шахарда 8421, қишлоқ жойларида 1159та телефон нуқтаси доимий хизмат кўрсатмоқда.

Қўқориди тилга олинган бунёдкорлик ишларининг аксарияти бевосита Айсултан Атақўзиевнинг фаол иштироки ва раҳбарлигида амалга ошди.

Тинимсиз ҳалол меҳнат туғайли эл хурматиға сазовор бўлган ҳамкасбимиз шу кунларда эллик ёшни қарши олмақда.

Ярим асрлик тўйингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасб.

**Раҳимжон БОЛТАБОВ**  
**Қорақалпоғистон Республикаси**

# Ҳаёт нашидаси

**Почта ходимлари орасида севимли машғулот ижодкорлик бўлган серқирра инсонлар кўп. Риштонлик Акрам ака Юнусов ана шундайлар сирасидан.**

Ёш Акрамжон Бўстон қишлоғидаги мактабни тугаллаб, бир йил колхозда ишлади. Илмга ташналик тобора қалбини забт этаётганини ҳис этиб, ўзининг ибораси билан айтганда «кетмонни иргитиб ташлаб», 1964 йили Тошкент давлат университетининг филология факультетиға ҳужжат топширди. Омади чоғиб, ўқишга кирди. Бирок ушбу илм даргоҳида охиригача таҳсил олиш насиб этмади. Ўқишни битиришга бир йил қолганда автоҳалокатга учради. Бир маромдаги ҳаёти остун-устун бўлиб кетди. Ҳаётнинг бу хил қалтич зарбасидан эсанкираган Акрамжон тушқунликка тушиб қолди. У кўпинча уйлари олтидан ўтган ариқ олдида кун ўтказарди. Сокин оқаётган сувга термулиб, унинг жиллоланишидан кўнгли тинчланарди. Шундай кунларнинг бирида дардиға фақат она табиятдан шифо топишини англади.

Шифо излаб, яқка-ёлғиз дала-қир, тоғу тошларни пойи-пиёда кезиб, хасталиқдан фориг бўла бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қамчиқ довинининг 33-километрида жойлашган чўпонлар хонадонига тез-тез борарди. У чўпонлар билан сойға тушиб балиқ овларди.

Табият, ов, мутолаа ва яна ... шеърятга муҳаббат уни ҳаётға қайтарди. 1974 йили Риштон тумани алоқа бўлимининг янги биноси ишга тушганда почтаға ишга келди. Бу ерда у аввал

ҳайдовчи, сўнг қузатувчи бўлиб ишлади.

Почта иши ва корхонада ишловчилар билан яқиндан танишгач, шу соҳани танлаб адашмаганиға шукрлар қилди.

Корхона ҳисобчиси Вера Григоревна Константинова ўз касбини юксак даражада эгаллаган эди. Ҳаммаға меҳрибон, билганларини ёшларға аямай ўргатарди.

— Мен ҳайдовчи эдим, — ҳикоя қилади Акрамжон ака. — Вера опани Сўхға олиб кетаётганим. Чорраҳаға борганда тракторни кўрмай қолибман... Ҳар туғул омон қолди. Вера ома бироз жароҳат олди. Қизиги шундаки, рақ ташхиси қўйилган Вера опа шу фалокатдан сўнг мутлақо соғайиб кетди. Истайсизми, истамайсизми, инсон ҳаётида тасодифлар юз бериб тураркан. Демокчманки, тасодифларнинг охири бахайр тугаши ҳам мумкин. Менинг почтада ўз ўрнимини топишимада ушбу бахтсиз тасодиф ҳам қайсидир маънода сабаби бўлган...

2002 йили бу хаваскор шоирнинг «Дилимда армон» китоби 5000 нусхада «Фаргона» нашриётида нашр этилди. Бу ҳам Акрамжон Юнусовнинг ҳаётда эришган катта ютуғи.

**Ҳафиза САЛЯХОВА,**  
**«Хабар»нинг Фаргона вилоятдаги мухбири**

## Ҳорманг, устоз!

**1969 йили Мастура Ҳайтбоева Самарқанд вилоят илмий-оммабоп кутубхонасига оддий ишчи вазифасига қабул қилинганди.**

Бир йил ўтиб, унинг тиришқоқлигини, топширилган вазифаларни пишиқ-пухта бажаришини кўрган жамоа раҳбарияти Мастурани йўлланма орқали Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кутубхонашунослик факультетиға ўқишға жўнатди. 1975 йили ўқишини тугатиб қайтган ёш мутахассис Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Гулсум Шамсиеваға шогирд тушди.

У йиллар давомида кутубхона иши сирларини ўрганиб, ҳамкасблари ўртасида обрў-эътиборға сазовор бўлди. Кейинчалик ёш ходимнинг ташкилотчилиги, ушжоати, интилиши ҳисобға олиниб кутубхона касба уюшма кўмитаси раиси этиб тайинланди. Шу кунға қадар Мастура Ҳайтбоева ўзига юклатилган барча вазифаларни оқилона ва ҳалоллик билан бажариб келмоқда.

Кутубхонамизнинг кўпгина ёш ходимлари Мастура опадек ўз касбининг моҳир устаси бўлишни орзу қилишади. Бундай устозларнинг иш тажрибалари биз ўшларға ўрнатилган намунаси сифатида ардоқли. Яқинда устозимиз 55 ёшға тўладилар. Шу муносабат билан Мастура опани табриклаб, «Ҳорманг, устоз!» деймиз.



**Маҳбуба КУЛОВА**

С введением льгот Указом Президента Республики Узбекистан от 30 мая 2002 г. №УП-3080 количество хозяйствующих субъектов осуществляющих деятельность в области производства программных продуктов увеличилось более чем в два раза. По оценкам экспертов объем рынка программных продуктов оценено на 9,5-10,0 млн. долларов США.

## Профессиональная подготовка программистов



Одним из секторов развития экономики является развитие отечественного рынка программных продуктов. Фундаментом в развитии отечественного рынка программных продуктов является подготовка профессиональных кадров в области программирования. Именно в этой области в настоящее время в Центре подготовки и поддержки молодых программистов (ЦППМП) обучаются программисты. В целях ознакомления с деятельностью (ЦППМП) мы попросили генерального директора этого Центра Ахмада Мирзизова рассказать о ходе подготовки молодых программистов.

**— Скажите, на что направлена основная деятельность Центра?**

— Миссия ЦППМП – развитие отрасли информационно-коммуникационных технологий, и экономики в целом, через подготовку высококвалифицированных специалистов и создание благоприятных условий для сотрудничества отечественных ИТ-компаний. Достигается это, в основном, посредством обучения молодых специалистов с использованием современной методико-технологической базы, привлечения подготовленных программистов к разработке ПО для удовлетворения потребностей организаций Узбекистана в высокотехнологических программных решениях, предоставление выпускникам Центра возможности повышать профессиональные навыки, расширять сферу деятельности, спланировать в группы разработчиков, что составит основу их независимой деятельности в сфере ИКТ, и конечно же сотрудничество с зарубежными образовательными и субъектными организациями, с привлечением как выпускников Центра, так и активных представителей сферы ИКТ Узбекистана.

**— По каким направлениям происходит обучение в Центре?**

— Принимая во внимание специфику настоящей потребности и потенциала, курсы проводятся на трёх уровнях. Это позволяет охватить наибольшее количество перспективных специалистов и предоставить им наиболее гибкие возможности для получения высокой квалификации и трудоустройства:

- пользовательский,
- профессиональный,
- уровень международной сертификации.

На курсах первого уровня от слушателей не требуются предварительные знания компьютера. Этот курс предназначен для практического обучения работы на компьютере на пользовательском уровне в кратчайшие сроки. На протяжении занятий особое внимание уделяется практике, а сама методика отличается высокой практичностью применения. Курсы имеют различную спецификацию, в зависимости от степени подготовленности и заинтересованности слу-

шателей.

Второй уровень составляет комплекс профессиональных курсов информационных технологий. Для возможности обучения на данном курсе от слушателя требуется наличие базовых знаний и навыков работы на компьютере. Этот комплекс курсов призван дать всесторонние знания по информационным технологиям, и углубленные навыки программирования и администрирования информационных сетей. В программу курса входит система стажировки, где слушатели имеют возможность применить полученные знания и навыки в условиях реального производства. Стажировка проводится в ведущих ИТ-компаниях Узбекистана. По результатам прохождения курса и стажировки слушатели получают сертификаты об окончании курсов. В дальнейшем они имеют возможность постоянно получать консультационную поддержку. В плане трудоустройства и карьерного роста они могут разместить свои резюме в Банке Резюме ЦППМП.

Уровень международной сертификации позволяет пройти подготовку для сдачи экзамена и получения сертификата Microsoft, что является весомым вкладом в становление специалистом мирового уровня. Подготовка ведётся опытными инструкторами, которые имеют фундаментальные знания и обширный опыт разработок решений. Полученные знания позволяют учащимся получить сертификат Microsoft, который является первым шагом на пути построения профессиональной карьеры в области информационных технологий.

**— Расскажите об условиях, создаваемых центре для обучения.**

Ҳозирги кунда жаҳон бозоридега сотилаётган ушбу турдаги телевизорларнинг 14,6 фоизи айнан Samsung савдо белгисига тегишли. Кейинги ўринларни Philips (13,4 фоиз), Sharp (13,3), Sony (12,7), LG (7,6) ва бошқа компаниялар банд этган.



**ШВЕЦИЯ**да 2007 йилнинг 1 июнидан бошлаб DoS-хужумлар (бир пайтнинг ўзидега амалга оширилаётган кўп сонли сўровлардан иборат Интернет боғламасига хужум тури)ни ташкиллаштириш жиноят сифатидега жазоланиши мумкин. Айни пайтга қадар мамлакатда бундай ҳолатларни таққиловчи махсус қонун мавжуд эмас эди.

2006 йилнинг ёзидега ана шундай DoS-хужумлар оқибадидега Швеция полицияси ва ҳукумати сайти ишдан чиққанди.

**ТУРКМАНИСТОН**да янги президент сайланганидан сўнг амалга ошган эътиборга молик воқеалардан бири — пойтахтда биринчи Интернет-марказ иш бошлагани бўлди.

Ҳозирча барча фуқаролар Глобал тармоқдан фойдаланиш имконига эга эмас. Чунки, Интернет-марказ Давлат солиқ хизматининг янги қурилган биносидега жойлашган.

Яқин орада пойтахтда бир неча Интернет-кафе ишга туширилиши кутилмоқда.

**КУБА**да мамлакат раҳбари Фидел Кастро нутқларини кидирувчи ҳамда давлат ҳукумати сайтларидан ахборот изловчи

Интернет-ресурс ишлаб чиқилди. У 150 мингта давлат манбаси ва ҳукумат сайтлари доирасидега исталган саволга жавоб толиб беради. Кидирувчининг бош саҳифасидега махсус тугмача босилса Ф.Кастронинг 1959 йил инқилобидан буён сўзлаган нутқлари чиқади.



Шу аснода айтиш ўринлики, кубаликларга компьютер сотиб олиш ман этилган, Интернетдан эса фақат давлат хизматчилари, академиклар ва чет элликлар фойдаланишлари мумкин. Электрон почта орқали хат юбориш учун "Озодлик ороли" фуқаролари узундан-узун навбатда туришга мажбурдилар.

Тармоққа уланиш паролларининг "қора бозор"даги (аксарият ҳолларда кечаси) савдоси кубаликлар учун одатий ҳолга айланган.

Мамлакат ҳозирда Интернетта уланиш учун ўтказувчанлиги бор-йўғи 124 Мбит бўлган қимматбахо йўлдошли каналдан фойданмоқда. Куба ҳукумати иттифоқчи-давлат — Венесуэлага сув остидан 1500 километрлик оптик кабел ўтказишни режалаштирган. Бу уланиш тезлигини ошириш баробарида унинг қийматини ҳам арзонлаштиради.

**ЛОУРЕНС** номидаги Миллий лаборатория тадқиқотчиси Жонатан Кумининг аниқлашича, АҚШ худудидеги серверлар мамлакатдаги барча телевизорлар билан бир хил миқдорда электр қуввати сарфларкан.

Маълумотлар таҳлил қилингандега 2005 йили серверлар ишлаши учун АҚШда фойдаланилган электр қувватининг 0,6 фоизи, совутиш тизимини ҳам қўшиб ҳисоблагандега жами 5 миллион кВт энергия сарфлангани аён бўлди. Бу пулга ҳисоблагандега 2,7 миллиард долларни ташкил этади. Айниқса, унча катта бўлмаган серверларнинг электр сарфлашдаги "ҳиссаси" катта бўлмоқда. Бу муаммо, ўз навбатида, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги назаридан четда қолмади.

**ЕВАУ ИНТЕРНЕТ-АУКЦИОНИДА** "жаҳоннинг энг машҳур деразаси" сотилди. Бу дераздан Ли Харви Освалд исмли кимса президент Ф.Кеннедига қарата ўқ узган.

Дераза сотилгунинга қадар ўн йил Кеннеди халокатига бағишланган музейда сақланди. Уни уч миллион долларга харид қилган ҳозирги эгаси — голланд фуқароси ўз номини ошқор қилишни истамаган.



Финляндия почтаси рақамларда


\*Posti — мамлакатнинг аҳолини иш билан таъминлаш бўйича иккинчи компанияси. Компаниялар гуруҳидега 24408 ходим меҳнат қилади, уларнинг 1156 нафари хорижда ишлайди.

\*Миллий почта тармоғи 1300 почта бўлимидан иборат, уларнинг 300таси почта алоқаси бўлими, қолган 1000таси эса компания билан тузилган шартнома асосида алоқа хизматини йўлга қўйган тадбиркорларга қарашли почта нуқталаридир.

\*Компания 2,3 миллион оила ва 230 минг ташкилотга хатларни етказиб бериш билан шуғулланади.

\*2005 йили етказилган жами хат ва жўнатмалар сони 2,8 миллиардга етди. Бу — бир кунда 11 миллион бирлиқни ташкил этади.

\*Рождество муносабати билан ҳар йили 50 миллион дондан ортиқ ойнахатлар жўнатилади.



## SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

— Маълумки, "Ўзбектелеком" АКнинг жойлардаги филиаллари (операторлар) аҳолига телекоммуникация хизматлари, жумладан, таксофон хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бу борада прејскурантлар буйича тарифлар ишлаб чиқилган. Шунга қарамасдан, кўчаларда "East Telecom" компаниясига қарашли таксофон шахобчалари ҳам пайдо бўлмоқда ва аҳолига хизмат кўрсатяпти.

"East Telecom" компанияси аҳолига таксофон хизмати кўрсатиш ҳуқуқига эгами?  
Агарда бундай бўлмаса қайси ташкилотлар (Давлат солиқ инспекцияси, Давлат алоқа инспекцияси, ...) уларнинг иқонуний фаолиятини тўхтатишга ҳақли?

Куанишбой ТҮЛЕГЕНОВ,  
"Ўзбектелеком" АКнинг "Қорақалпоқ Телеком" филиали ходими



## Қонунга риоя қилиш — давр талаби

— Ушбу саволга жавоб беришдан олдин телекоммуникациялар соҳасида лицензия олиш тартиби ва лицензиатлар фаолиятини назорат қилиш қоидаларига тўхталсак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом»нинг 2-бандида телекоммуникациялар соҳасида юридик шахслар фаолият турларини лицензиялаш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда «лицензияловчи орган» деб юритилади) томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

Мазкур Низомнинг 3-бандида телекоммуникациялар соҳасида лицензияланадиган фаолият турлари кўрсатилган. Шунингдек, Низомнинг 14-17-бандларига мувофиқ, телекоммуникациялар соҳасида лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун даввогар лицензияловчи органга белгиланган шаклдаги ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар билан мурожаат қилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиялаш масалалари буйича Эксперт комиссияси лицензия талабгорининг аризасини белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади ва уч кун ичида унга ёзма шаклда хабар беради.

Лицензиялар даввогар томонидан давлат божи тўлангандан ва лицензия битими имзолангандан кейин берилади.

Телекоммуникациялар соҳасида лицензияланадиган фаолият турлари билан шуғулланувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги қонунчиликни ҳамда лицензия битими шартлари бузилган ҳолларда, уларнинг фаолиятини назорат қилувчи органлар, жумладан Давлат алоқа инспекцияси ва унинг ҳудудий тузилмалари тегишли чоралар кўриши мумкин. Чунки, «Фаолиятини айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига кўра, шунингдек, «Телекоммуникациялар соҳасидаги

фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом»нинг 43-бандида белгиланганидек, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан давлат назорати Давлат алоқа инспекцияси томонидан амалга оширилиши белгиланган. Мазкур Низомнинг 44-бандида эса назорат қилувчи орган сифатида Давлат алоқа инспекциясининг ваколатлари қатъий белгилаб қўйилган.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан лицензиатнинг лицензия талаблари ва шартлари бузилишига йўл қўйилгани аниқланган тақдирда бу тўғрида ўз ваколатлари доирасида лицензияловчи органи хабардор қиладилар.

Лицензияловчи орган ўз ваколати доирасида назорат қилувчи органлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳамда лицензиялаш масалалари буйича Эксперт комиссиясининг тегишли хулосалари асосида

ҳуқуқбузарликка йўл қўйган лицензиатнинг лицензияси амал қилишини 10 кун муддатга тўхтатиб туриш, амал қилишни тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Лицензияловчи органнинг юқоридаги масалалар буйича қабул қилинган қарори матбуотда эълон қилинади.

Юқоридагиларга кўра, юридик шахсларнинг мансабдор шахслари ёки фуқаролар телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритаётган лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишига йўл қўйилганлигини аниқлашган тақдирда бу ҳақда бевосита Давлат алоқа инспекциясининг жойлардаги ҳудудий тузилмаларини ёзма шаклда хабардор қилишлари мумкин.

Айрим лицензиатлар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар Давлат алоқа инспекцияси ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан жойида ўрганиб чиқилиб, қонунбузиш

ҳолатларини олдини олиш, бартараф этиш чораларини кўрадилар. Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган айрим мансабдор шахслар ёки фуқароларга эса амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қоида меъёрлари асосида маъмурий жазо чоралари (жарима) қўлланилиши мумкин.

«East Telecom» қўшма корхонасининг фаолиятига тўхталдиган бўлсак, унинг аризасига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан 2006 йил 28 апрелда:

- маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш буйича фаолиятига АА серияли 0001476 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш буйича фаолиятига АА серияли 0001477 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш буйича фаолиятига АА серияли 0001478 рақамли;

- халқаро телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш буйича фаолиятига АА серияли 0001479 рақамли лицензиялар берилган.

Демак, «East Telecom» қўшма корхонаси ва унинг ҳудудлардаги филиаллари лицензияловчи орган томонидан берилган ушбу лицензиялар асосида телекоммуникациялар соҳасида лицензияланадиган фаолият турлари билан эркин шуғулланишлари ҳуқуқига эга.

**Бердиёр ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош юридик маслаҳатчиси

## QILMISH-QIDIRMISH

Кейинги вақтларда кабел ўғрилари дегаган сўзи тез-тез эшитилган бўлди. Ўғриликнинг бу тури билан шуғулланадиган қимсалар Навоий вилоятида ҳам учраб турибди. Навбатдаги кабел ўғрилари «Зарафшон-Учкудук» трассасида оптик-толали алоқа кабелини ўғирлаш жинояти устида қўлга олинди. Жиноят содир этган шахсларнинг бири — 1985 йилда туғилган Анатолий Невзоров. У адашиб жиноят йўлига кирганлардан эмас, балки ўғриликни ўзига касб қилиб олганлар хилидан. Чунки бу йилги суднинг қора курсида турт бор ўтирган, жамиятга кўп зарар келтирган, ҳар сафар суд залда тавбасига таяниб, қилмишидан пушаймон бўлган, аммо сал ўтмай тавба-тазарурларини унутиб юборган.

А.Невзоров биринчи марта 2001 йилнинг 2 мартда, яъни ўн олти ёшида жиноят содир этиб, икки йилга озодликдан маҳрум қилинган ва амнистия туфайли жазодан озод бўлган. Ўзига кўрсатилган инсонпарварликка «жавобан» у орадан бир йил ўтиб иккинчи марта жиноят содир этди ва 2003 йили икки йил алоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, 2003 йилнинг августда Зарафшон шаҳар судида А.Невзоровнинг навбатдаги жиноий иши кўриб чиқилиб, у 6 йилга 1 ойга озодликдан маҳрум қилинди.

«Урганган кўнгил, ўртанса қўймас», дейди халқимиз. 2006 йилнинг 9 октябрда озодликка чиққан Анатолий қинғир иши ортидан неча бор жазоланиб, неча бор озодликдан маҳрум қилинганига қараман, «хунар»идан воз кечмади. Орадан бир ой вақт ўтиб, 2006 йилнинг 17 ноябрда яна темир панжара ортига қайтди.

«Кўр-кўрни қоронғуда топади», дея бежиз айтилмаган. Анатолий ҳам учинчи бор озодликка чиққан кунларининг бирида тенгдоши, ўғриликда ўзидан қолишмайдиган, 2002 йилда судланган, 2003 йил 2 январда амнистия шарофати билан жазодан озод этилган, доимий яшаш рўйхатида бўлма-

## Кабел ўғрилари

Уларнинг номуносиб ҳаракатлари туфайли ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрилмоқда.

ган каттақўрғонлик Наил Галиев билан топшиб, эски хунарини яна ишга солди.

Ўғриликда «тобланган» кадрдонлар 13 ноябр тунги соат ўн бирларга яқин спиртли ичимлик истеъмол қилиб, «Зарафшон-Учкудук» йўналишидаги кабел қувурларидан 25 метр оптик-толали алоқа кабелини ҳамда боғловчи муфтани ўғирлашади.

Даввогар — Учкудук туман 4-кабел бўлими бошлиғи А.Кўзиёвнинг таъкидлашича, кабел ўғриларининг бу қилмишлари жуда қимматга тушган. Чунки алоқани тиклаш учун 8,7 миллион сўм маблағ сарфланади.

— Бундан ташқари, — дейди вилот 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси бош мўҳандиси Сайдулло Норов, — Учкудук шаҳри ва ўша атрофдаги аҳоли алоқа кабелни узилган вақтда маъ-



мумкин. Шунингдек, бугунги замонавий алоқа турларининг барчаси, телевидение дастурлари, телеграммалар, факс ва барча пул жўнатмалари ана шу оптик-толали алоқа кабелни орқали таъминлашини назарда тутадиган бўлсак, бу узилтилар қанчалик жимтой-маънавий, иқтисодий зарар келтириб чиқарганини изоҳлашга ҳолат қолмайди.

Зарафшон шаҳар суди А.Невзоровнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-банди «а» қисми билан 5 йил ҳамда аввал 2003 йил 12 августдаги жазонинг ўталмай қолган қисмини қўшиб, 5 йилга 6 ойга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Давлат мулкига хиёнат қилган шовзоларнинг яна бири Наил Галиев ҳам судда қилмишига яраша жазо олди. У ҳам Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-банди «б» қисми билан уч йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўзгаларнинг мулкига кўз олайтириб, давлатга катта миқдорда зарар етказишда «тажриба» тўплаган, йигитлик номига доғ тушираётган, аввалги жиноятлари инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари асосида кечирилган, авф этилган бу қимсалар қилмишларига яраша жазо олишти. Аммо, қилмиши билан ўз умри, ўз ҳаёти йўлига киша солган, ҳеч ерда ишламай, ўғриликни турмуш тарзига айлантирган бу йигитлар мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган кечикс гамаўриликларга номуносиб ҳаракат қилаётганлигини англаб етишармикин? Улар Ўзбекистон шўхратини турли соҳаларда ўз ташаббускорлиги, жонқуярлиги, фаоллиги, билимдонлиги билан жаҳонга кўз-кўз қилаётган тенгдошлари кўзига қандай қарар этканлар?

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги мухбири



Ўзбекининг бирон-бир йиғини, тўйи, сайли йўқки, унда аския ёки ичкакузди ҳангома айтувчилар бўлмасин. Қўшиқ, мусиқа, рақс ўз йўлига, лекин қизиқчиларнинг қиёшларини халқ, одатда, муштоқлик билан кутади. Уларнинг беллашувлари тоғни урса тақдон қиладиган паҳлавонларнинг курашидан асло кам бўлмайди. Қайтанга, сўз ва фикрлар жанги мураккаброқ: бу "тўқнашув"ларда сезгир, синчков томошабин шиддатли ҳужум ва чекиншларни, ғалабадан кейинги шодон "қийқириқ"лару мағлубият аламининг жонли гувоҳи бўлади. Халқ оғзаки ижодининг ана шу ўзига хос ноёб соҳаси бўлган аския санъатининг етук намояндalarидан бири — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамасиддиқ Шераевдир.

**Мамасиддиқ Шераев** 1946 йилда Марғилон шаҳридаги Йўрмадўз маҳалласида ишчи оиласида таваллуд топган. Отаси — Қамчибек ака шаҳардаги нон корхонасида ишлаган. Онаси — Мақсудахон чевар бўлиб, асосан дўппи тикиш билан шуғулланган. Мамасиддиқ оилада яққола ягона ўғил эди.

У ўқувчилик пайтидаёқ ҳажвиялар, мини-аторалар, юмористик сахна асарларида иштирок эта бошлади. Шу билан бирга, мактабдан унча узок бўлмаган Ипакчилар клубига катнаб, у ердаги таниқли санъаткор Холмат Қурбонов раҳбарлик қиладиган тўғаранинг фаол аъзоларидан бирига айланди.

— Менинг болалик тасаввуримда Юсуфжон қизиқ Шакаржоновдан улугроқ инсон йўқ эди, — дейди у. — Қаерда тўй, сайил ёки концерт бўлсаю, ўша ерда Юсуф қизиқ чиқади-ган бўлса, дарҳол ўша ерга етиб бориб, унинг аския ва қизиқчиликларини жон кулогим билан тинлардим. Орадан бир неча йил ўтиб, устознинг катта ўғли Зайнобиддин ака билан дўстлашиб, ҳовлиларига тез-тез борадиган бўлдим. Бу серфайз хонадонда тез-тез ташкил этиладиган санъаткор ва ижод аҳли сўхбатларида хизмат қилишдан биз шоғирдларнинг бошимиз осмонга етар, қалбимиз фаҳр-ғурур билан тўларди.

Мамасиддиқ ака 1964 йили ўрта мактабни тугатиб, Маннон Уйгур номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтига ҳужжатларини топширади. Лекин ўша йили имтиҳондан муваффақиятли ўта олмайди. Кейинги йили ҳужжатларини яна шу институтига топширади. Ўша пайтларда ижодий синовларда институт ректори, профессор Ҳамид Абдуллаев шахсан иштирок этиб, бўлажак талабада истеъдод нишонлари бор-йўқлигига синқовлик билан баҳо берад эди. Иттифоқо, Мамасиддиқ аканинг навбатти келганда Ҳамид ака унинг ўтган йилги қабул синовларида ҳам иштирок этганини эслаб қолади ва "Сен ҳали ҳам ўқишга кирмадингми? Мен аллақачон талаба бўлгансан, деб ўйлабман!" дейди.

Институт раҳбари лўқмасига Мамасиддиқ ака шундай жавоб беради: "Устоз, ишончингиз учун раҳмат. Ўтган йили ҳам не-не умидлар билан келган эдим. Мана кўриб турибсизки, бу йил ҳам келдим. Энди шу тарзда "паст" баҳо қўйиб тураверсаларинг, шу ердан пенсияга чиқиб кетаман шекилли!".

Ишчан вазиятда жиддий ўтирган қабул комиссияси аъзолари абитуриентнинг самимиятга тўлиқ ёзгиришидан қўлиб юборишади.

— Шу бир оғиз гапим ректорга маъкул келиб қолдими ёки бу гал ростдан ҳам яхши жавоб берган эдимми, билмадим, ҳар қалай, "Актёрлик маҳора-

ши натижасида янги ёш истеъдодлар пайдо бўлди. Ана шу каби оммавий тадбирларда фаол иштирок этгани ҳамда аскиячилик санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун 1999 йил 26 августда Мамасиддиқ Шераевга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони берилди.

Аския — нозик санъат. Унинг ижодкори — аввало халқ. У бежиз пайдо бўлмаган. Шундай замонлар бўлганки, сўз усталари халқ дарди, ҳасратини тағдор, қочирим гаплар билан фақат аскиялар орқали ошкор қилганлар. Мамасиддиқ ака билан сўхбат кўрсангиз бу инжа санъат турининг



# Кулинг, умрингиз узок бўлади

ти" фанидан "аъло" баҳо қўйишди, — деб хотирлайди у. — Оқибатда умумий натижага кўра, юқори балл тўплаб, институтининг актёрлик, театр ва кино факултетига қабул қилиндим.

Талабалик даври Мамасиддиқ аканинг миллий санъатимиз даргалари ва машҳур санъаткорлар билан яқиндан танишиш йиллари бўлди. Институти тугатгач Жиззах театрида бир неча йил актёр бўлиб ишлади. Тўғон Режаматов режиссёрлигида сахналаштирилган спектаклларда эпизодик роллар ижро этди.

У 1975 йили она юрти Марғилонга қайтиб, Фарғона театрида фаолиятини давом эттирди. Фарғоналик кулги усталари, жумладан, Зайнобиддин Юсуфов, Орифжон Усмонов ва бошқалар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Бир пайтлар Юсуфжон қизиқ репертуарини безаган "Ота-бола", "Дор уйин", "Хитой табиби", "Шайтон", "Ҳаммом" каби халқ комедияларида бош ролларни ижро этди. Унинг актёрлик фаолиятида бу ижроларнинг ўзига хос ўрни бор, албатта. Лекин, шу билан бирга, унинг халқ орасида танилишида Ўзбекистон радиоси ва телевидениесининг аҳамияти жуда катта бўлди. Бунинг сабаби, 70-80 йилларда телевидение дастурларидан мустаҳкам ўрин эгаллаган "Шанба нонушаси", "Телеминиаторлар театри" кўрсатувларида деярли ҳар ҳафтада янги-янги асарлар сахнага қўйиларди. Мамасиддиқ ака уларнинг фаол иштирокчиси эди. Эргаш Қариов, Ҳасан Йўлдошев, Ҳусан Шарипов, Садир Зиёвудинов, Набижон Собиржонов, Хайрулла Саъдиев каби машҳур актёрлар билан ҳамкорлик унинг маҳоратига маҳорат қўшди.

Мустақилликдан сўнг аския жанрига катта эътибор қаратилди. Машҳур санъаткор, артистларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи рисолалар, хотиралар чоп этилди, аскиячи ва қизиқчиларнинг юбилейлари, Республика кўриктанловлари ўтказилди. Наврўз, Мустақиллик кўни байрамлари ва бошқа анжуманларда аския санъати намояндalarининг чиқшларига жиддий эътибор берили-

маёно-моҳияти, келиб чиқиш тарихи, шаклланиши, ўтмишдаги ҳамда яқин ўтган йиллардаги машҳур сўз усталари ҳақида соатлаб ҳикоя қилади. Утган асрнинг 60-йилларидан ҳозирги кунларгача кўрган-кечирганлари, улғ санъаткорлар, ёзувчилар, шоирлар, драматурглар билан қилган сўхбат ва мулоқотлари, ажойиб хотираларини айтиб чарчамайди. Айрим актёрлар, масалан, Шайхур Бурҳоновнинг, баъзи воқеалар муносабати билан айтган гапларини муқаллидлик йўли билан такрорлаганда, бамисоли буюк актёрнинг мағрур ва ўзига хос салмоқдор овози жанранглаб кетгандек бўлади.

— Санъатнинг бош манбаи — бу халқнинг ўзи, — дейди Мамасиддиқ ака. — Тумонот одам сизни тинглаб, сўзларингиздан завқ-шавқ олмақда, лекин бу дегани сиз яққола ягона дегани эмас. Дегани ичида, чекка қишлоқларда, дала-дашларда шундай одамлар борки, сўзга чечанликда энг уста қизиқчини ҳам мот қила олади. Бинобарин, димомдорликни одат қилмай, халқимизнинг ўзидан ўрганиш лозимлигини унутмасак бўлгани.

Мамасиддиқ аканинг шоғирдлари кўп. Улар орасида аллақачон халқ эътиромига сазовор бўлганлари ҳам оз эмас. Хотамжон Ҳакимжонов, Иқбол Шукуров, Акрамжон Аминовларни бугун кулгисевар муҳлислар яхши билишади. Абдуллажон Акбаров, Анваржон Немадалиевлар республика миқёсидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Улар Мамасиддиқ акани ҳурмат билан "уста" деб аташади.

— Ҳар қандай қизиқчи аскиячи бўлолмайди, — дейди Мамасиддиқ ака, — аския санъатини эгаллаш учун тўғма фазилатларга эга бўлмоқ лозим. Бу ҳам Аллоҳ берган нўмат. Агар сахнада қизиқчилик қилаётган ҳар қандай актёрдан аскиячи тайёрлаш мумкин бўлганида эди, ҳамма ёқни аскиячи босиб кетган бўлар эди. Чинакам аскиячилар эса ҳаммаша, ҳамма даврларда бармоқ билан санарли бўлган.

Даврага аския санъатининг устозларидан бири — Мамасиддиқ Шераев чиқиб келмоқда. Юсуфжон ака лўф этганларидек: "Кулинг, умрингиз узок бўлади!"

**Набижон СОЛИЕВ,**  
**ТАТУ Фарғона филиали**  
**докторанти**

Суратда: М.ШЕРАЕВ (ўнгдан иккинчи) дўстлари даврасида.

## ЭЪЛОНЛАР!

### Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом»нинг 23-бандига асосан қуйидаги лицензиялар 2007 йил 15 февралдан бекор қилинди:

«DAYEL UORLD» хорижий корхонасининг (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001408 рақамли;

«BIG BEN NET» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001437 рақамли;

«MEGA DRAVY NET» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001504 рақамли;

«CHERNOBIL» ўзаро ижтимоий ёрдам хайрия жамияти қошидаги «AL-RUH» илмий ишлаб чиқариш маркази шўба корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001531 рақамли;

«RED ZONE LYUKS» хусусий фирмасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001543 рақамли;

«SOKIN SOYA» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001587 рақамли.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом»нинг 48-бандига асосан «КОСКОМ» Ўзбек-Америка кўшма корхонасининг GSM 900/1800 стандартидаги кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган РТ серияли 0000147 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 16 феврал соат 00.00дан тикланди.

\*\*\*

Ўзбекское агентство связи и информатизации сообщает, что в соответствии с пунктом 48 «Положения о лицензировании деятельности в сфере телекоммуникаций», утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 ноября 2000 года №458 «О мерах по совершенствованию системы управления в сфере телекоммуникаций и почтовой связи», с 00.00 часов 16 февраля 2007 года возобновлено действие лицензии серии РТ № 0000147, выданной Узбекско-Американскому совместному предприятию «КОСКОМ» на проектирование, строительство, эксплуатацию и оказание услуг сетей подвижной радиотелефонной (сотовой) связи стандарта GSM 900/1800.

### УЯЛИ ТЕЛЕФОН

- Ҳа дўст, кулогингиз нега қўйиб қолди?
- Эҳ, сўраманг, дазвол қилаётувдим, кўл телефоним жиринглаб қолди. Шошганимдан дазволни кулогимга босиб олибман.
- Чап кулогингиз ҳам қўйган-ку?
- Телефон иккинчи маротаба жиринлаган эди, яна кулогимга дазволни тутибман...



## SPORT

### УЧРАШУВЛАР ТАҚВИМИ

Газетамизнинг аввалги сонида футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг навбатдаги рақиблари ҳақида маълумот бериб ўтган эдик.

Мазкур ҳафтада ушбу ўйинларнинг ўтказилиш саналари аниқланди. Унга кўра, Вадим Абрамов шогирдлари биринчи учрашувни 28 феврал кuni ўз уйида БАА Олимпия терма жамоасига қарши ўтказлади.

Демак, "F" гуруҳи учрашувлари тақвими билан танишинг:

**28 феврал**  
Ўзбекистон – БАА  
Жанубий Корея – Яман

**14 март**  
Яман – Ўзбекистон

**БАА – Жанубий Корея**

**28 март**  
Жанубий Корея – Ўзбекистон  
Яман – БАА

**18 апрел**  
Ўзбекистон – Жанубий Корея

**БАА – Яман**

**16 май**  
БАА – Ўзбекистон

**Яман – Жанубий Корея**

**6 июн**  
Ўзбекистон – Яман

**Жанубий Корея – БАА**

Ўйинга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси машгулотлари бошлаб юборган. Ўйинга тўққиз жамоадан 25 футболчи жалб этилган.

### "АЛМА-ТВ КУБОГИ-2007" УЧУН ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Шу йилнинг 7-11 март кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида "Алма-ТВ Кубоги-2007" мусобақаси бўлиб ўтади. Рауф Инилеев ушбу турнирда Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қиладиган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

Ундан 25 футболчининг исми-шарифи ўрин олган. Якуний таркиб эса, Қозоғистонга учиб кетиш олдидан маълум қилинади.

7 феврал кuni Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида дебют учрашувини ўтказган "Насаф" аъзолари – Хикмат Ҳошимов ва Рустам Аъзамовлар бу сафар ҳам Рауф Инилеев рўйхатидан ўрин олишган. Шунингдек, "Нефтчи" аъзоси Мансур Саидов, бошланаётган мавсумда "Самарқанд-Динамо" сафига қўшилган Даврон Файзиев, "Бухоро" клубининг ёш иқтидорли ҳимоячиси Аскар Мухиддинов ҳам ҳам терма жамоа сафига қақиртирилди. Ҳатто, Олий лига дебютанти Тошкентнинг "Қурувчи" жамоасидан бирданига уч футболчи ҳам мазкур йилнинг тақдир қилинган. Ўзбекистоннинг 1996 ва 1997 йиллардаги энг яхши футболчиси Павел Бугало, Жасур Ҳасанов ва ҳали мухлисларга таниш бўлмаган Янис Мандзукасларни Рауф Инилеев синовдан ўтказиб кўради.

Легионер футболчилардан 6 нафари ҳам йилнинг жалб қилинган. Булар – ҳимоячи Алексей Николаев («Актобе» Қозоғистон), ярим ҳимоячи Илёс Зейтуллаев («Виченца», Италия) ва ҳужумчилар – Александр Гейнрих («Торпедо», Москва), Владимир Шишелов («Алания», Владикавказ), Улуғбек Бақоев («Тобол», Қозоғистон) ва Жаъфар Ирисметов («Алма-Ата», Қозоғистон). Қолган футболчилар эса "Пахтакор" клуби вакиллари ҳисобланади.



### ЕВРОПА ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА

Чемпионлар лигасининг 1/8 финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Турнинг қутилмаган натижаси Барселонада қайд этилди. Чемпионлар лигасининг амалдаги чемпиони ўз майдонида «Ливерпул»га имкониятни бой бериб қўйди.

«Лилл» (Франция) – «Манчестер Юнайтед» (Англия) – 0:1  
«Селтик» (Шотландия) – «Милан» (Италия) – 0:0  
ПСВ (Голландия) – «Арсенал» (Англия) – 1:0  
«Реал» (Испания) – «Бавария» (Германия) – 0:2  
«Рома» (Италия) – «Лион» (Франция) – 0:0  
«Барселона» (Испания) – «Ливерпул» (Англия) – 1:2  
«Порту» (Португалия) – «Челси» (Англия) – 1:1  
«Интер» (Италия) – «Валенсия» (Испания) – 2:2  
Жавоб ўйинлари 6-7 март кунлари ўтказилади.



### ТЎРТТА МЕДАЛ

Болгариянинг Пловдив шаҳрида бокс бўйича анъанавий халқаро турнир якунланди. Унда 23 мамлакатдан келган чарм қўлқоп усталари голиблик учун баҳс олиб бордилар.

Турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган боксчиларимиз тўртта медални қўлга киритишди. Ута оғир вазнда (+91) рингга кўтарилган Рустам Саидов финал учрашувида англиялик боксчини очколар ҳисобида мағлубиятга учратиб, турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди. 64 кг вазн тоифасида баҳсларда иштирок этган Зокир Ортиқов эса финал жангида россиялик Геннадий Ковалёвга имкониятни бой берди ва кумуш медал билан кифояланди.

Вакилларимиздан Рафиқ Султонов (48 кг) ва Бехзод Хидиров (57)лар бронза медални соҳиби бўлдилар.

Турнирда умумжамоа ҳисобида Россия терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Улар мусобақанинг 11 йўналишидан саккизтасида олтин медалга эгалик қилишди. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида турнир мезбонларидан сўнг учинчи ўриндан жой олишди.

### ИККИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Ўтган ҳафтада оғир вазнли боксчимиз Темур Ибрагимов ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.

Америкалик Тони Томпсонга қарши рингга кўтарилган ҳамюртимиз очколар ҳисобида жангини бой берди. Бу Темурнинг профессионал фаолиятидаги иккинчи мағлубиятидир.



### Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси "Антенна-фидер қурилмалари" кафедраси доценти **Ғалий Фахрутдинович ГАБЗАЛИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

"Навоий Телеком" филиали жамоаси филиалнинг техник директори Турсун Олимовага сингласи **Ибодат ОЛИМОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲЖАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲЖАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета \*  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлигида 0016 рақами билан  
рўйхатга олинган.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —  
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларисан ҳам фойдаланилади.

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

150-Г сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табоқ.  
Адади: 11790 нусха.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOSOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

## MUTOLAA

Техникумнинг тайёрлов бўлимига киргунича ҳар хил мактаб ва ўқитувчида ўқиб, хатим жуда хунук бўлган экан, буни шу ерда, биринчи дарсда пайқадим.

Биринчи дарсга Мухаммадjon Холиқий деган новча бир ўқитувчи кирди, биз билан саломлашди-ю, индамай бориб, тахтага икки қатор шеър ёзди.

Ўқитувчининг хати шундай чиройли эдики бутун синф бараварига "У-ув!" деб юборди.

Ўқитувчи бизга юзланди.

— Нима гап?  
— Хатингиз жудаям чиройли экан!

— Бундан чиқдики, сизларнинг хатларингиз хунук экан-да! Хатларингиз хунук эканини билсаларингиз, демак, мендай чиройли ёзадиган бўласизлар.

Одатда янги ўқитувчидан бола бегонасирайди, унинг феъл-атвориани билиб олгунича тортинадди, ҳатто кўрқадди. Биз бу ўқитувчига дарров эл бўлиб қолдик: шундай чиройли ёзадиган ўқитувчи назаримизда фақат хушфеъл, фақат меҳрибон бўлиши керак эди.

Бу ўқитувчига меҳримиз тушди. Унинг оқ оралаган чўққи соқоли, кулганида кўзлари атрофида пайдо бўладиган майда ажинлари, ҳатто бурнининг ўнг томонидаги бир-иккита чўтири ҳам ўзига жуда ярашар эди. Бояги икки сатрни

ўқитувчидай чиройли ёзишга уриниб бирон юз марта кўчиргандирман!

Она тилига доир ҳамма ёзувларни чиройли ёзадиган, бу дарсдан ҳамиша аъло баҳо оладиган бўлдим. Кейинчалик шуни пайқадим: қайси дарсни чиройли ёзмасам, ўша дарсдан пастрок баҳо олар эканман. Мен авваллари, "Бу



Абдулла ҚАҲҲОР

## ХАТ

дарсни хушламаганим учун чиройли ёзишга ҳафсала қилмасам керак", деб ўйлаган эдим, йўқ, чиройли ёзишга уриниб қайта-қайта кўчириш дарсни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам берар экан.

Шундан кейин бошқа дарсларни ҳам чиройли ёзишга, дарсда шошиб ёзган ёзувларимни чиройли қилиб кўчиришга ҳаракат қиладиган бўлдим, бора-бора шунга одатланиб қолдим: ҳамма дарсдан аълочи бўлдим.

Бир йилга қолмай хатим хийла чиройли бўлиб қолди. Иккинчи ўқиш йилининг бошида мени

деворий газетга "мудир ва муҳаррир" қилиб сайлашди.

Бизнинг синфдагина эмас, бутун мактабда хунук ёзиш айб бўлиб қолди. Кимдир хунук хатга "Чуволчанг" деб от қўйди. Хунук хатни кўрсак, "Бир бет чуволчанг", "Бир дафтар чуволчанг" деб кулар эдик. Бу гапни эшитиб ўқитувчимиз хўп кулдилар, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

Ҳали-ҳали қўлимга қалам олсам тепамда Мухаммадjon домла "чуволчанг" деб турганга ўхшайдилар.

1965 йил

## Қайдлар

Яхши ёзолмаганингни кечириб мумкин, лекин яхши ёзишни истамаганингни кечириб мумкин эмас.

Бошқа ишга ярамай адабиётда танқидчилик қилиб кун кўриб юрган танқидчи кўрқоқ қоровулдай, ҳар шарпадан чўчиб шақилдоқ чалаверади.

Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас.

Адабиёт хунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган куртдан фарқ қилмайди.

Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак, лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гапларингни қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

Асар илҳом билан ёзилса, образлар ўз-ўзидан гавдаланади, ҳатто ўзининг қиладиган ишини, айтадиган гапини ёзувчига айтиб, лўқма солиб туради. Илҳом ёзувчини ҳамма қийинчиликлардан қутқаради.

60га кириб билдим: умрим бекорга ўтмапти, одамларга керакли эканман, ҳаётда из қолдирибман.

Кўпгина хунармандлар қариганда суйган хунаридан маҳрум бўлади: улоқчи от чополмайди, сурнайчи яхши пуфполмайди, ўйинчи обғини кўтаролмай қолади. Ёзувчи дутор ёки винога ўхшайди — эскирган сайин очилади, қуввати ошади.

Эсон-омон олтмишга кирганимга хурсандман. Бу тўғрида бирдан-бир хурсанд бўладиган жойим бор: ёзувчиликда қирқ йиллик тажриба орттирдим. Бу тажриба умримнинг қолган қисмини самарали ўтказишимда менга жуда қўл келади.

1967 йил

## FILATELISTLAR BURCHAGI

## 2001 йилда чиқарилган почта маркалари

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган почта маркалари.

Маркалар купон билан бирга босилган. Купонда барча маркалар учун ягона рамз ва матн берилган. Купон ўртасидаги доира ичида Амир Темури хайкали ва Тошкент шаҳридаги ҳукумат биносининг бир қисми тасвирланган. Доира бўйлаб ўзбек тилида юбилей матни берилган. Купоннинг қуйи қисмида юбилей матни инглиз тилида ёзилган.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат Рамзлари" купонли почта маркалари туркуми.  
2001 йил, 24 август.  
С. ШАРИПОВ дизайни. Ф. Қурбонбоев фотоси.



300. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби" почта маркаси.

301. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи" почта маркаси.

Икки почта маркаси ва бир купондан иборат занжир кўри-нишидаги маркалар.

Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозда офсет усулида босилган. Ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан. Варақда 4та марка ва 2та купон бор.



302. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" почта маркаси.

Кўтарилаётган кўёш тасвири устида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" китобининг муқоваси тасвирланган.

303. "Олий Мажлис иш устида" почта маркаси.

Маркада Ўзбекистон Олий Мажлиси залидаги иш жараёни тасвирланган.

302, 303-маркалар горизонтал жойлашган иккита почта маркаси ва бир купондан иборат занжир кўринишида босилган. Бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозда офсет усулида босилган. Ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан. Варақда 8та марка, 4та купон бор.

## Маъруза: қай миз!

"Қашқадарё Телеком" филиали жамоаси филиалнинг кадрлар бўлими бошлиғи Рисолат ДАВРОНОВАни қўлуғ 55 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этади. Рисолат опага узоқ умр, тан-сиҳатлик, келгусидаги ишларида доимо муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Учкўприк почта алоқаси тармоғи бошлиғи Мухаммадjon ҳожи КАТТАБЕКОВ ва ҳайдовчи Бахтиёрjon ТҲИЧИЕВларни туғилган кунлари билан самимий қўтлайди. Уларга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонларига тинчлик-осойишталик тилайди.



БУГУНГИ КУНДА 30 МИНГДАН ЗИЁД КОМПЮТЕР ВИРУСЛАРИ БОРЛИГИ АНИҚЛАНГАН. ДАСТЛАБКИ КОМПЮТЕР ВИРУСЛАРИ ЖУДА ОДДИЙ БЎЛГАН...